

Инквизициянинг усуллари



09:02 / 10.10.2024 707

«Инквизициянинг табиати раҳмдил, меҳрибон ва консерватив бўлиб, бу ҳар қандай черков институтининг умумий ва ўзгармас сифатидир. Аммо, бу ташкилотдан фойдаланаётган дунёвий ҳокимият, ўзининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уни қатъийроқ қилишни фойдали, деб билса – черков бу ҳолатга жавобгар бўлмайди» – «Инквизиция ҳақида бир рус дворянга хатлар» иезуит Жозеф де Местр, Париж 1821 йил.

Римдаги Муқаддас Палатанинг ўрнига келган, Диний таълимотлар Конгрегациясининг расмий фаолияти шундай, деб таърифланган:

- католик таълимотларининг софлигини назорати;
- руҳонийларнинг одоб-ахлоқини кузатиш;
- никоҳ ва оила ишлари;
- ғайритабиий ҳодисаларни ўрганиш ва бидъатларни фош қилмоқ.

Бу сўзлар ортида жамиятнинг демократлаштирилиши ва илмий-техник тараққиёти натижасида батамом зил кетган католик черковнинг одоб-ахлоқ, заковат ва дин бобидаги устуворлигини мустаҳкамлаш учун интилиш яширингандир.

Инквизиция тергови, махсус хабар ташувчи, оддий «хайрихоҳ» одамлар ёки агар гап «бидъат»га оид китоб тўғрисида кетадиган бўлса махсус

руҳоний цензорлар орқали келган маълумотлар ёрдамида бошланар эди. Инквизиция маҳкамаси ўз ҳукмини ҳали айбланувчи маълумот бермасдан туриб чиқариб бўлар эди – унинг жараёндаги тутган ўрни эса ўз айбини ихтиёрий тарзда бўйнига олиб, бу билан фараз қилинган «адашган руҳини қутқариш» эди. Айбланувчи ўзининг зимдан хабар ташувчиларини, ўзига юкланаётган айблар рўйхатини тасаввур ҳам қилмаган ҳолда қуйидаги шунга ўхшаш саволларга жавоб бериб, ўзини оқлаши керак эди:

«Айбингизни бўйнингизга олинг – сиз нега бу ерга тушиб қолдингиз?!»

Ўзини ўзи ҳимоя қилишда уриниш, қайсарлик сифатида кўрилиб, инквизитор-роҳиблар жуда топағон бўлган, «синов» номли, қийноқли азобларга олиб келар эди. Барча қўйилган гуноҳларда ўзини-ўзи айблаш, яқинларига нисбатан чақимчилик қилиш айбланувчини узоқ азоб-уқубатлардан халос қилиб, кўп ҳолларда тез ўлим жазосига олиб келар эди. Ҳукм чиқмай, жараённинг ўзи узоқ вақт мобайнида давом этиши мумкин эди. Мисол учун – Жордано Бруно инквизиция қийноқхоналарида қарийб 9 йил ўтирган (1592 йилдан 1600 йилгача). Айрим, беҳуда ноҳақ айбланган кишилар айблов остидан оқланиб ва афв этилиб, чиқиб кетишга муваффақ бўлишган. Мисол учун – иезуитлар орденини асосчиси Игнатий Лойола ёшлигида ўзининг воизлик фаолияти учун уч маротаба инквизиция томонидан тортилиб, ҳатто саваланган ҳам, кейинчалик буюк инквизитор Ж.А. Сантори эса қарийб икки йил гўё папа Пий IV-га (1559–1565) суйиқасд қилгани учун тергов остида ушланган.

Инквизициянинг қийноқли тергов услуби XIX асрнинг ўртасигача сақланиб келган, бу эса, инквизицияни ўша пайтдаги давлат маҳкамасидан унча (кўп) фарқламас эди. XX-XIX асрларда «Муқаддас инквизиция» ўзининг фаолиятини «Диний ақидалар конгрегацияси» номи остида давом эттириб, католик черковидан четланиш ва католик диний-новаторлар асарлари билан «Тақиқланган китоблар индекси»ни тўлдириш билан машғул бўлади. Жазога ҳукм этилганларга нисбатан азоблашлар услублари гўёки қўлланилмаяпти, бироқ тергов томонларнинг музокараларисиз ва айбланувчиларни ҳар қандай ҳақ-ҳуқуқларини ҳам поймол қилмасдан, олдингидай, яширинча ўтказилаверади. Ушбу амалиёт сабабидан Ватикан 1948 йилдаги «Умумий инсон ҳуқуқлари декларацияси»га ҳалигача қўшилмаяпти.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида тайёрланди.